

# “ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ” ФАНИНИ МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ БЎЙИЧА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

ЖДПИ, Мактаб менежменти кафедраси катта  
ўқитувчиси Азамат Жўрабоевич Усмонов

## Аннотация

Мақолада Таълим менежменти фанида инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёнида ўқитишнинг методик усуллари самарали қўллаш, ҳамда модулли ўқитиш бўйича инновацион ёндашувлар ўрин олган.

**Калит сўзлар:** таълим менежменти, модулли ўқитиш, инновация, муаммоли таълим

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт даврида таълим – тарбия ва илм – фан соҳаларини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108 – сонли Фармонида таълим – тарбия ва илм – фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- мамлакат тараққиёти учун янги ташаббус ва ғоялар билан майдонга чиқиб, уларни амалга оширишга қодир бўлган, интеллектуал ва маънавий салоҳияти юксак янги авлод кадрларини тайёрлаш, таълим ташкилотлари битирувчилари замонавий касб эгалари бўлишлари учун уларда зарур кўникма ва билимларни шакллантириш;

- дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш;

- таълим – тарбия муассасаларининг раҳбар ходимлари, педагог ва мураббийлари, профессор – ўқитувчилари ва илм – фан соҳалари вакилларининг жамиятимиздаги ўрни ва мақомини ошириш, уларнинг машаққатли меҳнатини муносиб кадрлаш ва фаолият самарадорлигига қараб моддий рағбатлантириш;

- педагог ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт – шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини «ҳаёт давомида ўқиш» тамойили асосида такомиллаштириб бориш;

- илмий-тадқиқот ва таълим хизматларини кўрсатиш бўйича хусусий секторнинг салмоғини кенгайтириш, ҳудудларда нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини шакллантириш, таълим соҳасида давлат – хусусий шерикликни ривожлантириш;

- замонавий ахборот – коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш, электрон ресурслар ва масофавий таълимни янада

ривожлантириш, таълим олувчилар ўртасида IT – соҳасидаги касбларни оммалаштириш;

- илм – фанни иқтисодиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқтидорли ёш олимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантириш, мавжуд илмий ташкилотлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; таълим тизимига юқори самарали халқаро амалиётни жорий этиш, республика таълим ташкилотларини нуфузли халқаро рейтингларга киритиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш.<sup>1</sup>

Инновацион технологияларнинг қўлланилиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хорижий инвестициялари миқдорининг кенгайиши, тадбиркорлик, хусусий, шерикчилик ва корпоратив бизнеснинг ривожланиши, шунингдек, узлуксиз таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, талабаларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувнинг жорий этилиши ҳамда таълим беришнинг илғор педагогик технологиялари, замонавий ўқув-услубий мажмуаларнинг яратилиши, ўқув-тарбия жараёнининг дидактик жихатдан таъминланиши таълимни бошқариш тизимини такомиллаштиришга асос бўлмоқда.

“2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”<sup>2</sup> доирасида ишлаб чиқилган тўртинчи устувор йўналиш таркибида таълимга оид, яъни таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланди.

Натижада таълим самарадорлигини ошириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот – коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, инновациялар ва фан сиғими юқори бўлган тармоқларни ривожлантириш асосида, унинг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда мувозанатлилигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун республикамизда иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш жараёнида таълим соҳасида жаҳонда муносиб ўринни эгаллашга қаратилган янги узлуксиз таълим тизимини яратиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Юксак тажриба ҳамда малакага эга бўлган ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг малакасини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108 –сонли Фармони

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2017 йил 7 феврал. //Халқ сўзи.- 2017.- №28. 8 феврал. 1 б.

ошириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада “тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, ўқув режа ва дастурларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур ҳисобланади. Олдимизда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди.”<sup>3</sup>

Бугунги кунда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қоидалар ҳаётга жорий этилди.

Шу боис, ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот – коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

Олий таълимда ўқитишнинг модулли таълим тизими кўпгина ривожланган давлатларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шу жиҳатдан бизда ҳам модулли таълим асосида ўқитишни шакллантириш ва уни ривожлантириш замон талабига айланмоқда.

Шу сабабли олий таълим муассасаларида ўқитиш жараёнига модулли ёндашиш долзарб деб қаралади.

Модул (лотинча *modulus*) сўздан олинган бўлиб қисм, бўлак, блок маъноларини англатади. Модулли таълим педагогик технологияни ташкил этувчи таркибий бўлақларни ифодалайди. Бу модулли таълим дарс жараёнини ташкил этишдаги энг кичик иш турларидан ҳамда уларнинг турли миқдоридаги тўпламлардан иборат бўлади.

Бунда энг кичик фаолият тури энг кичик модул саналиб, бошқалари қанча модулни қамраб олишига қараб ўзига мос даражадаги модуллар саналади.

Масалан; “Таълим менежменти” фанини модулли ўқитиш доирасида модул бирлигини яратиш ҳамда уларни ўқитишнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-амалий ёндашувни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда натижага эришиш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

Фанни модулли ўқитиш самарадорлигини оширишда инновацион технологиялар ва илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш;

Модул бўйича интерактив методларга асосланган силлабус тузиш;

“Таълим менежмент” фани бўйича ўрганиш ва тажрибаларга асосланиб маъруза матнини ишлаб чиқиш;

“Таълим менежмент” фани доирасида муаммоли вазиятлар ва ўрганилаётган объектлар юзасидан кейс, амалий топшириқ ва ишланмаларни тайёрлаш;

---

<sup>3</sup> Ш.Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”.- Т.: Ўзбекистон, 2017. 45-б.

Фан ва мавзу бўйича назорат топшириқлари ва мустақил таълим юзасидан кўсатмаларни ишлаб чиқиш;

Фан ва мавзу юзасидан такдимотларни тайёрлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Таълим менежменти фани таълим муассасалари раҳбарларининг бошқарув фаолияти, бошқарув масъулияти ва маданияти, бошқарув функциялари ва методлари, бошқаришнинг қонун-қоидалари ва тамойиллари, раҳбар ва лидер фазилатлари, таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари, таълим муассасаларини бошқаришда ахборот ва коммуникация, раҳбарларнинг инновацион фаолиятлари, бошқарувда тарбиявий муносабатлар ва раҳбарлик услублари, таълим муассасаларининг ташкилий тузилиши, стратегик бошқарув ва режалаштириш, раҳбарнинг иш вақти ва ундан фойдаланиш, персонални бошқариш ҳамда таълим муассасаларини бошқаришда мотивлаштириш назарияларини тадқиқ этишдан иборат ҳисобланади.

Таълим менежменти фанини ўқитишда инновацион таълимнинг асосида талабаларнинг ўрганиш, билиш жараёнини фаоллаштирувчи технологиялар ётади. Бу технологиялар қуйидагилардан иборат:

- ривожлантирувчи таълим;
- муаммоли таълим;
- танқидий фикрлаш ёки тафаккурни ривожлантириш;
- таълимга табақалаштирилган ёндашув;
- дарсларда муваффақият муҳитини (вазиятини) яратиш кабилардир.

Таълим менежменти фанида инновацион технологиялардан фойдаланиш жараёнида ўқитишнинг методик усулларини самарали қўллаш педагогик мақсадга эришиш омилидир. Бунда ўқитувчи дарснинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда “таянч матнлар”, “ақлий ҳужум”, “гуруҳли мунозара”, “эссе (иншо)”, “таянч терминлар”, “видеофильм”, “харитани ўқиш”, “дидактик ўйин”, “матн билан ишлаш”, “тарқатма материаллар”, “электрон доска”, “электрон китоб”, “мустақил ишлар”, “кўрсатмали варақа”, “ижодий топшириқлар”, “қайта такрорлаш”, “ноанъанавий уйга вазифа” ва “ўз-ўзини баҳолаш” каби усуллардан фойдаланилади.

“Таълим менежменти” фанини модулли ўқитишга ўтишда ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш, ўқитишни индивидуаллаштириш, ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш, ўқитишни жадаллаштириш ва талабаларнинг фанни самарали ўзлаштиришига эришиш устувор вазифа этиб белгиланади.

Модулли ўқитишда “Таълим менежменти” фанининг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

## Анъанавий таълим билан модулли таълимнинг фарқи<sup>4</sup>

<b>Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган</b>	<b>Модулли ўқитиш технологиясига асосланган</b>
Бир томонга йўналтирилган ахборот Бир томонлама мулоқот (дарслик, ўқитувчи, ўқувчи) Ахборот олиш Хотирада сақлаш Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш	Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш Икки томонлама мулоқот Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш Билим ва кўникмаларни намоёништириш Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш

Модулли ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг муаммоли мулоқотлар, эвристик суҳбатлар, ўқув ўйинлар, лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар каби усуллари қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм – фан соҳаларини ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108 –сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2017 йил 7 феврал. //Халқ сўзи- 2017.- №28. 8 феврал. 1 б.
3. Ш. М. Мирзиёев “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”.- Т.: Ўзбекистон, 2017. 45-б.
4. Д. Файзуллаева, Н. Лутфуллаева “Замонавий таълим ва инновацион технологиялари бўйича илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича услубий қўлланма. –Т.: 2018, 57-б.

<sup>4</sup>Д. Файзуллаева, Н. Лутфуллаева “Замонавий таълим ва инновацион технологиялари бўйича илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича услубий қўлланма. –Т.: 2018, 57-б.